ДЎСТЛИК ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ

# ЮРТБОШИМИЗ САФАРИДАН МУРОДИМИЗ ҲОСИЛ БЎЛГАЙ!



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Болтиқбўйидаги давлатлар Латвия ва Литва мамлакатларига расмий ташрифларини қутлаймиз.***

Хайрли бу ташриф истиқлол юртимизни равнақ топтириш йўлида камарбасталик қилаётган ишбилармон, тадбиркору акциядорлар учун ўзига хос уфқ очади, деб умид қиламиз. Ўйлаймизки, дўстона сафар самараси мамлакатимиз билан Латвия ва Литва давлатлари ўртасида бошланажак кўптомонлама алоқаларнинг мустаҳкамланишида ўз ифодасини топади.

"Жиҳоз" саноати ривожланган Болтиқбўйи давлатларидаги корхоналар билан ҳамкорлик қилиб турибди. Дўстларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатли ва харидоргирлиги билан халқимизга манзур бўлмоқда.

Эзгулик билан бошлаган бундай муносабатларимизни кенг йўлга қўйишимизда янада қулайроқ имкониятлар яратилишидан умидвормиз.

ЖИҲОЗ

"ЖИҲОЗ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ.


# ҚЎЧМАС МУЛК — КЕТМАС ДАВЛАТ!

**Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят бўлими, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш бошқармаси Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 19 июнь куни**

## КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

***Савдога қуйидагилар қўйилади:***

**ЕР УЧАСТКАЛАРИ:**

Бўстон қўрғони 1-микрорайонининг 1-мавзесидаги учта ер участкаси. Ҳар бир ер участкасининг сатҳи 600 кв. м. **Бошланғич нархи — 23400 сўм.**

Бўстон қўрғони 1-микрорайонининг 2-даҳасидаги 7 та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасининг сатҳи — 600 кв. м. **Бошланғич нархи — 23400 сўм.**

«ДОСААФ»га тегишли 6 та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасининг сатҳи — 600 кв. м. **Бошланғич нархи — 39 минг сўм.**

**САВДО ИНШООТЛАРИ (ЕР МАЙДОНИ БИЛАН БИРГА):**

31-сонли дўкон биноси. Ер майдони — 136 кв. м. **Бошланғич нархи — 63 минг 840 сўм.**

20-сонли дўкон биноси. Ер майдони — 162 кв.м. **Бошланғич нархи —219 минг 602 сўм.**

23-сонли дўкон биноси. Ер майдони —250,4 кв. м. **Бошланғич нархи — 259 минг 765 сўм.**

45-сонли дўкон. Ер майдони —364,5 кв. м. **Бошланғич нархи — 183 минг 534 сўм.**

30-сонли дўкон биноси. Ер майдони —232,1 кв. м. **Бошланғич нархи — 160 минг 86 сўм.**

«Наврўз» маиший хизмат ўйи биноси. Ер майдони 369 кв. м. **Бошланғич нархи — 333 минг 948 сўм.**

«Олмалиқрухқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг ёрдамчи хўжалиги. **Бошланғич нархи — 2,5 миллион сўм.**

**АВТОТРАНСПОРТЛАР:**

4 та «ГАЗ-51» автомашинаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 25 минг сўм.**

«ГАЗ-51». рефрижератори. **Бошланғич нархи — 28 минг сўм.**

«ЗИЛ-130». автокрани. **Бошланғич нархи — 25 минг сўм.**

»ГАЗ-66" автобуси. **Бошланғич нархи — 25 минг сўм.**

«УРАЛ» МОТОЦИКЛИ. **Бошланғич нархи — 1,5 минг сўм.**

«ИЖ-104» МОТОЦИКЛИ. **Бошланғич нархи — 1,5 минг сўм.**

***Аризалар:***

***— Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51, иккинчи қават 78-хона,. (Тошкент вилояти ҳокимлигининг биносида);***

***— Олмалиқ (шаҳар ҳокимлиги биноси хусусийлаштириш бўлими)да ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача кабул қилинади.***

***Мурожаат учун телефонлар: — Тошкент шаҳрида (3712) 33-38-42; — Олмалиқ шаҳрида (261) 44-305.***

***Ким ошди савдоси 19 ИЮНЬ КУНИ СОАТ 11 да Олмалиқ шаҳар ҳокимлигининг Мажлислар залида бошланади.***


# ИЖТИМОИЁТЧИ НОШИР

## Хотира



Тақдир дегани қизиқ экан. Раҳимжон ака Уздавнашрга ишга келганларида нафақага чиққунча шу ерда ишлаб қоламан, деб ўйламаган бўлсалар керак. Лекин шундай бўлиб чиқди...

1952 йилнинг боши. Қиш чилласи. Оқ-сариқдан келган баланд бўйли, қуюқ қўнғир сочлари тўлқин уриб турган йигит ўша пайтда республикада ягона бўлган Уздавнашр эшигини қоқди. Муҳаррир лавозимига қабул қилинди-ю умри нашриётга боғланди-қолди. Бу йигит — Раҳимжон Рўзиевич Абдураҳмонов эди. Кейинчалик у юмшоқ талаффуз этиладиган «Райимжон» исми билан республика илмий ва педагогик жамоатчилигига танилди.

Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқшунослик факультетини тугатган Райимжон ака ижтимоий-иқтисодий адабиётлар таҳририятида иш бошлади. Бу йиллар — қатағонга чек қўйилиб, шахсга сиғиниш иллати фош этила бошлаган давр эди. Бинобарин, чоп этиладиган адабиётларда ҳам давр нафаси сезилиб турарди. Райимжон ака ижтимоий-сиёсий мавзудаги қўлёзмаларни таҳрир қилар экан, уларга адабий ишлов бериш билан бирга ўзи ҳам кўп нарсани ўрганди. Айни маҳалда республиканинг илмий ва педагогик салоҳиятини ташкил қилган олиму фозиллар билан танишди, ўзи ҳам танила бошлади. Бир неча йил қунт билан қилинган меҳнат, нашриётнинг жамоат ишида фаол қатнашиш ўз ҳосилини берди — 1959 йилда Райимжон ака ўзи иш бошлаган ижтимоий-иқтисодий адабиётлар таҳририятига мудир этиб тайинланди. Бу унга билдирилган ишонч бўлиши билан бирга, анча залворли юк ҳам эди, Райимжон ака ана шу юкни ўттиз йил давомида сабот билан кўтариб келди.

Райимжон ака нашриётда ишлаган йиллар давомида унинг қозонида ҳамма билан баробар, балки ортиқроқ қайнади. Доимо нашриёт юкининг оғирроқ қисмини ўз елкасига олди. Шу йилларда у ижтимоиётчи олимлар жумласидан муаллифларнинг забардаст жамоасини шакллантирди. Кўпчиликни китоб ёзишга ўргатди. Республиканинг кўзга кўринган олимлари билан унинг дўстлиги ҳам айни шу жараёнда шаклланди: академиклардан Эркин Юсупов, Музаффар Хайруллаевлар билан дўстлиги университет курсисидан бошланган бўлса, Саттор Турсунмуҳамедов, Ҳамид Воҳидов, Саид Шермуҳамедов, марҳум Илёс Низомиддинов сингари олимлар билан нашриётдаги ижодий иш жараёнида дўстлашди. Кўплаб бошқа йирик олимлар билан ҳамсуҳбат бўлди. Бундай мулоқот ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий мавзуда чоп этиладиган адабиётлар савиясини оширишга ҳам таъсир ўтказди.

Р. Абдураҳмонов таҳририят ишини ташкил қилишнинг устаси эди. Нашр режасини шакллантирар экан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, илмий ҳаётдаги энг долзарб муаммоларни зийраклик билан илғаб олар, келажак мавзуларни ноширлик ички туйғуси билан ҳис қиларди. Ижтимоиётчи, иқтисодчи олимлар билан якка-якка суҳбатда соҳалар бўйича етакчи, илғор йўналишларни аниқлаб олар, сўнг шу асосда нашр режасини тузиб, уни таҳририят кенгаши ҳукмига ҳавола этарди. Дарвоқе, Райимжон ака тавсиясига биноан тузилган жамоатчилик асосидаги таҳририят кенгаши чинакам ишчан бўлиб, энг муҳим қўлёзмаларни нашрга тайёрлашда, унинг илмий, ғоявий-сиёсий, мафкуравий қимматини аниқлашда жиддий кўмак берарди. Зотан, республикадаги ҳозирги етук ижтимоиётчи ва иқтисодчи олимлар орасида Райимжон ака билан ижодий ҳамкорлик қилмаганлар кам бўлса керак.

Шунинг таъсири уларок, Райимжон аканинг ўзида ҳам илмий иш қилишга мойиллик бор эди. Нашриётда ишлагани ҳолда бир неча китоб ва рисолалар ёзди. Бу асарлар китоб жавонларидан ўрин олган. Таржимачилик бобида ҳам Райимжон аканинг қалами ўткир эди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, Райимжон ака таҳририятдаги ташкилий ишлар билан ўралашиб қолмай, қўлёзма таҳрири билан муттасил шуғулланиб келган. Масъулияти зўр нашрлар кўпинча уларнинг таҳриридан чиқарди.

Хуллас, нашриёт унинг тақдирига айланиб кетди: 1989 йил — нафақага чиққунча нашриётда кечган барча муҳим воқеалар унинг ҳам умрининг бир қисмига айланди. Ўша пайтларда собиқ Иттифоқ, ўз республикамиз билан боғлиқ тарихий ҳодисалар нашриёт томонидан бирон-бир тарзда ёритилар экан, унда Райимжон аканинг ҳссаси албатта бўларди.

Афсус, умр вафо қилмади. Энди нафақага чиқиб, фарзандларини уйли-жойли қилиб, уларнинг роҳатини кўраман деганда — 1991 йили Райимжон ака орамиздан кетди. Тўғри, ўлим ҳақ. У киши 63 ёшда ҳаётдан кўз юмди. Бу ҳозирги пайтда ўртача ёш демакдир. Ҳали анча яшаш, анча иш қилиш мумкин эди. Лекин бу ёш — пайғамбар ёши. Балки бу ёшда боқий дунёга риҳлат қилишда ҳам бир ҳикмат бордир...

**Шомуҳиддин МАНСУРОВ.**

*Илмий топилма*

# МАРҒИЛОННИНГ СИРЛИ ТАРИХИ

Марғилон шаҳри ёзма манбаларда X асрдан бошлаб тилга олина бошлайди (ибн Хауқал). Қадимги тарих эса бизга маълум эмас. Фақат археологик изланишларгина бу ғаройиб шаҳарнинг узоқ ўтмишига аниқликлар киритади.

Шу йилнинг баҳорида шаҳар ҳокимлигининг мурожаатига биноан Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти махсус экспедиция тузди. Асосий вазифа — Марғилоннинг қадимий тарихини имкон қадар тиклаш эди. Шу мақсадда шаҳарнинг топографик плани асосида қидирув ишлари олиб борилди. Маълум бўлишича, фақат икки жойда унча катта бўлмаган тепалик ҳолидаги ёдгорлик қолдиқлари борлиги аниқланди. Лекин дастлабки қазишма ишларини бу тепаликларда эмас, балки қурилиш иншоотлари учун ковланган чуқурликларда ва қабристонлардан бирида олиб бордик. Жумладан, шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган Эски Ўрдадаги савдо маркази учун ковланган чуқурлик ёнида олиб борилган қазишмалар ажойиб натижалар берди. Бу ерда XI-XIII асрларга оид ҳаммом қолдиқларига дуч келдик. У пишиқ ғиштлардан қурилган бўлиб, пол ости ва девор ичида жойлашган иситгичларга эга. Қўлимиздаги маълумотларга қараганда, бу ўрта асрнинг ҳақиқий ҳаммоми намунаси ҳисобланиб, совуқ, ўртача ва иссиқ хоналарга эга бўлган. Қазишма вақтида хилма-хил ранглар билан безатилган кўзни қамаштирадиган нафис сирли сопол идишлар ҳам топилди. Бу эса ўз навбатида шаҳар ҳунарманд усталарининг моҳирона ишларидан дарак бериб турибди.

Маълумки, IX-X асрлардан бошлаб Марказий Осиё шаҳарларини ҳаммомсиз тасаввур қилиш қийин бўлган. Баъзи бир Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё шаҳарларида бир неча ўнлаб ҳаммомлар бўлганлиги аниқ. Улар асосан шаҳар марказларида, бозор ёнида, карвонсаройлар олдида жойлашган. Ёзма манбаларга қараганда, ҳатто ҳар бир маҳалла ҳам ўз ҳаммомига эга бўлган. Бу даврда ҳаммом ҳам масжид сингари ўрта аср шаҳрининг ҳаётий мезонига айланган. IX-X асрлардан бошлаб то сўнгги даврларгача яратилган биронта илмий ёки бадиий асар йўқки, унда ҳеч бўлмаса бир ёки икки маротаба ҳаммом тилга олинмаган бўлсин. Юқорида сўз юритилган Марғилон ҳаммоми Марғилон-Ахсикент савдо йўлида жойлашган бўлиб, шаҳардаги марказий ҳаммомлардан бири бўлган десак янглишмаймиз.

Қазишма ишлари Машад маҳалласидаги қабристон ҳудудида ҳам олиб борилди. Текширишлар шуни кўрсатдики, бу ерда эрамизнинг биринчи минг йиллигига оид археологик ёдгорлик бўлган. Лекин, у XIX аср охирлари ва XX аср бошларида бузилиб кетган. Кейинчалик унинг ўрнида қабристон ташкил қилинган. Қазишмалар пайтида бу ерда аралашган, баъзан фақат 20-30 сантиметр қалинликдаги маданий қатлам учради, холос. Бинобарин қазишмалар яхши натижалар берди. Бир қанча қизил ангобли хилма-хил нафис сопол идишлар топилди. Ишланиш тарзи ва ташқи кўринишига қараб бу шаҳарнинг моҳир хунармандлари тайёрлаганлигини аниқлаш қийин эмас. Бу топилмалар Фарғонанинг пойтахт шаҳарларидан бири бўлган Ахсикентдан топилган IV-V аср идишларига жуда ўхшаб кетади.

Қабристон яқинида юқорида тилга олинган тепалик ҳолида сақланиб қолган ёдгорликлардан бири жойлашган. Бу ерда ҳозирча қазишма ишлари олиб борилмади. Аммо шунга қарамай ёдгорлик устидан териб олинган V-VI асрларга мансуб топилмалар бизни Марғилон шаҳрини янада чуқурроқ ўрганишга чорлаётир.

**Абдулҳамид АНОРБОЕВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти директори ўринбосари.**


## ИЛК БОР ТОШКЕНТДА!

**Тўғридан-тўғри омбордан сотилади!**
**Мисли кўрилмаган хилма-хил маҳсулотлар!**
**Оврўпанинг энг яхши фирмаларидан пешма-пеш етказиб берилади!**
**Юнонистон ва Олмониянинг қандолатчилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари;**
**Италиянинг**
"FRESH", "TROPICO", "AMARETTO"
винолари, ликёрлари;
"BRUT", "SPUMANTE", "MOSKATO"
шампан винолари;
**Олмония, Бельгия, Голландиянинг сара ароқларини сотиш**
**ДАВОМ ЭТМОҚДА**
***Тошкентдаги омбордан ҳар қандай бутланган 386, 486 компьютерларнинг, "CANON" нусха олиш аппаратлари, факслар, калькуляторларини***
**СОТАМИЗ**
**Алоқа учун телефонлар: 45-70-65, 45-55-65,**
**Ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача.**

## БИЗНЕСМЕНЛАР ВА КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент Марказий Осиёдаги энг йирик бизнес шаҳри бўлиб бормоқда. Шу боис ҳам бизнинг фирмамиз республикамиз вилоятларидаги ва бошқа қўшни давлатлардаги фирма, корхона, жамоа хўжаликлари, қўшма ва шахсий фирмаларнинг катта бизнесда фаол қатнашишлари учун уларнинг ваколатхоналарини нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан арзон нархларда Тошкент шаҳрининг марказидан очиб беради. Ваколатхоналар 1 хона 1 ўринли, 1 хона 2 ўринли, 2 хона 2 ўринли бўлиб, бинонинг юқори қаватида жойлашган. Хоналарда санузель, душ, телефон, телевизор ва бошқа қулайликлар бор. Шунингдек, фирма сизларни эрталабки иссиқ нонушта билан бепул таъминлайди.

Бизнинг секретарь-референтларимиз ва теле-факс, компьютерларимиз доимо сизнинг хизматингизда. Иш вақтингиз чекланмаган. Сиз доимо бизнесменлар билан мулоқотда бўлиб, янги фикрлар ва дунё бизнеси ҳақида маълумотга эга бўласиз. Ваколатхонангизда яхши дам олишингиз, ишлашингиз, меҳмонларингизни кутиб олишингиз учун ҳамма шароитлар яратилган.

**СИЗНИ КАТТА БИЗНЕСГА ЧОРЛАЙМИЗ!**
**БИЗНИНГ ХИЗМАТИМИЗДАН ФОЙДАЛАНСАНГИЗ АСЛО ЮТҚИЗМАЙСИЗ!**
**Телефон: (8-3712) 42-69-18, 42-81-30**

"ТУРОН"
ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ



70 фоизи АҚШдаги конвейердан!

**"Konica U-BIX"**

нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.

Кафолат - бир йил.

Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.

*Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.*

Телефон: (3712) 44-59-55.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

## ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

"Демир" фирмаси

*Сизларни халқ эҳтиёжи молларининг навбатдаги шоу-кўргазмасига*

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Кўргазма "Ўзэкспомарказ" билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.
Кўргазма ҳар куни соат 11.00 дан иш бошлайди ва 10 июнга қадар давом этади.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, "Ўзэкспомарказ", Пахтачилик бўлими.

Мурожаат учун телефонлар: **33-06-00, 56-57-04.**

**БИЗ СИЗЛАР УЧУН ИШЛАЙМИЗ!**

FİRMA DEMİR

## ТАШКИЛОТ

**Тошкент шаҳридаги омбордан сиғими 50 кг. ли полипропилин қопларни пул ўтказиш йўли билан**

**СОТАДИ.**

***Телефонлар: 44-22-13, 44-31-36.***

*Муносабат*

# БУГУНГИ КИНО ВА МАТБУОТ

Довруғи оламга кетган ўзбек бадиий киносининг бугунги куни ҳақида тасаввурга эга бўлишни истасангиз, «Ўзбекфильм»га бориб, бу ерда ишлаётган ижодкорлар билан дардлашинг, суратга олиш дақиқаларини кузатиб, янги ишланаётган киноларни кўринг. Ана шунда мураккаб манзара пайдо бўлади: павильонда «Суғдиёна» фильми учун ҳашаматли қаср барпо этилганини кўриб қувонасиз. Зеро, яқиндагина ўша узоқ ўтмишни кино лавҳаларида акс эттириш амри маҳол эди. Ажойиб драматург Шароф Бошбековнинг энди қалам билангина эмас, камера билан ҳам «қуролланган»идан қувонасиз. Ўзбек киносида ёзувчи-режиссёр ижод этаётганидан ким мамнун бўлмайди, дейсиз. («Масхарабоз» фильми). Лекин шундай истеъдодли драматург режиссура назариясини ўрганиш учун, хорижий кинематографиянинг бу ўриндаги тажрибаси билан танишиш учун кинодорилфунунимиз, ижодий устахоналар, бой фильмотекамиз йўқлигидан афсусланамиз. Шунингдек, Раъно Кубаеванинг актёр сифатидагина эмас, режиссёр сифатида ҳам фаоллик кўрсата бошлаганидан («Кенжа» фильми) хабар топасиз, унинг асарида тасвир бойлигини кўрасиз. Айни бир вақтда ёш санъаткор миллийлик масалалари юзасидан кўп фикрлаши, ўрганиши зарурлигини қайд қиласиз. «Темир хотин» (режиссёр И. Эргашев) Қурияда бўлиб ўтган халқаро киноанжуманда соврин олганини эшитиб, экранимиз довруғи оламга таралаётганидан хурсанд бўласиз. Лекин Улуғбекка бағишланган асар турли сабабларга кўра суратга олинмаётганидан ранжийсиз.

Ижод аҳли хориждаги ҳамкасблари билан узвий алоқа ўрнатишлари учун шароит туғилганини бирлашма ходимлари сизга айтишади. Шу билан бирга Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романининг экран шакли устидаги иши юксак даражада олиб бориляптимикин, деб хавотирланиб ўйлаб қоламан. Зеро, бу борада неча йиллардан бери давом этаётган ижодий, ташкилий, иқтисодий ишлар ҳали самара берганича йўқ. Соҳибқирон Амир Темур сиймоси кинотасмаларда гавдаланиши кўзда тутилиб, катта маблағ ажратилгани учун ҳукумат идораларига ташаккур айтгинг келади. Шу билан бирга кўпгина киностудияларнинг иқтисодий қийинчиликларни енгиши жуда оғир кечаётганини эслайсан. Шунингдек, дубляж гуруҳи, мультипликаторлар уюшмаси, актёрлар фаолияти, сценарий танқислиги билан боғлиқ кўп муаммоларга дуч келасиз. Ўйлаб қоласиз: бу ижодий, назарий, молиявий масалаларни ҳал этиш учун нималар қилиш керак?!

Бундай, ниҳоятда мураккаб, нозик масала билан махсус гуруҳ шуғулланиши зарур деб биламиз. Эҳтимол, унга кўмаклашиш мақсадида оммавий ахборот воситалари мутахассисларининг фикр-мулоҳазаларини кўпчиликка етказиши зарурдир. Бу ташкилий, ижодий, илмий муаммолар зудлик билан кун тартибига қўйилиши ва ҳал этилиши зарур бўлиб қолди. Чунки Ўзбекистоннинг миллий кино санъати Америка, Оврупо, Осиё, Африка ва бошқа қитъаларда шуҳрат қозонган. У бир қатор мамлакатлар учун ижод мактаби хизматини ўтаган ҳам. Эндиликда илғор анъаналар давом этиши, бойитилиши, оқимлар куч йиғиши, ёш авлод «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий», «Сен етим эмассан», «Тошкент — нон шаҳри», «Самолётлар қўнолмади», «Инсон қушлар ортидан боради», «Нафосат», «Аччиқ данак», «Шиддат» каби асарларни ёддан чиқармасдан кўриб бадиийлик, ғоявийлик мезонини белгилаши керакмикан? Шу боис кино ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлгани сабабли унинг харажатлари ҳақидаги масала ниҳоятда долзарблигини қайд қилган ҳолда навқирон санъатимизнинг ижодий, назарий, умум эстетик масалалари билан ҳозир — мустақиллик шароитида муфассал шуғулланиш зарурлигини эслатиб ўтардик. Биргина қаҳрамон масаласини олайлик.

Бизнинг фильмларимиз қаҳрамонлари кимлар бўляпти? Оддий машҳур адибимиз Фитратнинг асарлари қаҳрамонларининг умрини ҳозирги кинода гавдалантиришга зарурият йўқми? Бу масалани ҳал этиш учун ёндош санъатларнинг — аввало миллий адабиётнинг, театрнинг тажрибасини ўзлаштириш керакдир. Шунда отишмаларни, билак кучини кўрсатишга қаратилган асарлар ўрнини бошқа — поэтик йўналишдаги тасмалар эгаллар. «Арслон», «Абулфайзхон» адабиётимиз, китобхон учунгина эмас, балки кино учун ҳам, унинг эстетик муаммоларини ечиш учун ҳам хизмат қилиши даркор.

Ҳозир ҳар бир янги кино асари ижод мактаби бўлиши, ундан ёшлар сабоқ олиши зарур бўлган пайтда газета ва журналлар фильмлар ва уларнинг яратилиши билан боғлиқ муаммоларга етарли аҳамият бермай қўйдилар. 20-йилларнинг иккинчи ярми, 30-йиллар ва ундан кейинги даврда чоп этилган матбуот органларини эсланг! Суратга олиш майдонидан репортаж, кинокомедияларнинг фаолиятига (водийда, Хоразмда, Самарқандда...) бағишланган мақолалар, тақризлар, ижодий портретлар, суҳбатлар, ижодкорларнинг чиқишларини ўқиб, ўша давр киноси ҳақида аниқ маълумот оламиз. Шунда матбуотга, кинематографиямизнинг ҳар бир қадамини кузатиб борган қалам соҳибларига ташаккур айтгинг келади... Ҳозир кўпчилигимиз Ўзбекистонда нечта киностудия борлигини, қандай мавзулар режалаштирилганини, қандай фильмлар ишлаб чиқарилаётганини билмаймиз ҳам. Бир неча янги фильмнинг номини келтирай: «Тилла бола», «Юзсиз», «Гуноҳ», «Масхарабоз», «Кенжа»... уларни кўрганмисиз? Ё эшитганмисиз?

Бизга қолса, янги кинофильмларнинг шаҳар ва қишлоқ кинотеатрларида кўрсатилиш йўлларини ўйлаб кўриш керак. Кўрик учрашувга, учрашув муҳокамага айланиши ва ана шу жараён матбуотда, телевидениеда, радиода батафсил ёритилса фойдали бўларди. Студиялар, матбуот, телерадиокомпания бу борада фаоллик кўрсатиши учун Киночилар уюшмаси қошида экран санъатини тарғиб қилувчи (табиийки, аввало ўзбек киносини!) гуруҳ муттасил ишлаб туриши мақсадга мувофиқ. Бу гуруҳ иқтисодий жиҳатдан ўзини ҳам, уюшмани ҳам бемалол таъминлай олади: учрашув-кўрик муҳокама — кино мухлисларининг эътиборини қозонишга ишонамиз. Худди шу гуруҳ маълум жиҳатдан матбуот маркази хизматини ўташи мумкин бўларди...

Ҳа, кинонинг бугунги муаммоларидан кенг жамоатчилик воқиф бўлиши керак. Мутахассисларнинг режаларини тузиши, студиялар ишини, таркибини қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш масалалари бамаслаҳат ҳал этилиши ҳам мақсадга мувофиқ.

**Ҳамидулла АКБАРОВ.**

# ХОНАНДАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтимиздаги Боғи Эрам бағридаги ёзги саҳнада уч кун Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган хонандалар қўшиқ куйладилар. Бу ерда республика халқ ижодиётини тарғиб қилиш маркази ташаббуси билан замонавий қўшиқ ижрочиларининг республика кўрик-танлови — «Истеъдод—95» бўлиб ўтди. Халқ орасида янги овозлар пайдо бўлаётганлиги ушбу кўрик Танловда яна бир намоён бўлди.

Хонандаларнинг ўзига хос бу баҳсида Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридан келган Дилшод Бойхонов олий мукофотга сазовор бўлди. Шунингдек, Бухоро шаҳридан Гулсара Ғойипова, Фарғона вилоятидан Жўрақўзи Ҳотамов, сурхондарёлик Нурмамат Ҳайитов, Андижондан Оқилжон Маннопов, наманганлик Баҳодиржон Ботиров, Хоразмдан Зулфия Йўлдошева, Низомиддин Рўзметов ва бошқа хонандалар совринли ўринларни эгаллашди.

**Адиба ҒОЙИБОВА.**

*Шаҳар бедарвоза эмас*

# НАЙРАНГЛАРИ ЎТМАДИ

Баъзилар ўзларини ўта ҳушёр ва ақлли ҳисоблаб, ўзгаларни анқов санайдилар. Ваҳолонки...

Қамаши туманидаги «Ўзбексавдо» уйининг 65-шохобчаси раҳбарлари ана шундай хаёл билан 16773 сўмлик 11659 литр бензин ҳамда соляркани олиб келиб кирим қилдилар. Улар ўз ташкилотларида от ва эшакдан бошқа бирор бир транспорт воситаси йўқлигини хаёлларига ҳам келтиришмади.

Албатта, нопок ишга қўл урганлар ҳисоб-китобни қилиб, келадиган фойдани аллақачон чўтга ташлаб қўйгандилар. Аммо ишга вилоят Давлат солиқ бошқармаси мутахассислари аралашиб, орзу-армонларни пучакка чиқаришди. Сир ошкор бўлгач бошқача йўл тутишиб, дизель ёнилғиси тумандаги «Момиқ» ҳиссадорлик жамиятига, бензин эса «кимошди» йўли билан нақд пулга сотилди.

Энди масаланинг «тавба» деб ёқа ушлайдиган яна бир сирли томони бор. Нефть маҳсулотлари идораларининг ходимлари ўз қаттиқ- қўлликлари билан донг таратган. Ҳатто қонуний ҳужжатлаштирилган ёнилғи маҳсулотларини ҳам беришлари мушкул бўлган бу ташкилотдагилар шунча миқдордаги ёнилғини қандай бергани қизиқ...

***

«Чак-чак» божхона пости қўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида жойлашган. Кўпгина нопок ниятли кимсалар бу ерни нисбатан ҳоли ҳисоблаб, ўз юкларини айнан шу ердан олиб ўтмоқчи бўладилар, ва, афсуски, орзуларига эриша олмай, «тумшуқлари»дан илинадилар.

Шу йил 19 март куни Тошкент — Душанбе автомобиль йўли бўйлаб келаётган «71—57 КНК» давлат белгили «КамАЗ» машинаси текшириш учун тўхтатилганда, Русия фуқароси Игорь Малишев постдагиларни чалғитмоқчи бўлиб ҳар хил найранглар ишлатди.

— Кўринглар, армонларинг қолгунча текширинглар, бўш яшиклардан бўлак ҳеч бир вақо тополмайсизлар. Кела-келгунча сизлардан бошқа постдагилар ҳам озмунча «авра-астар» қилишмади, — дея ўзини ўта бепарво кўрсатишга уринди. Бироқ божхона ходимлари «на илож, вазифамиз» деб синчковликларини қўйишмади.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Машинадаги 407 яшик остида 96 қопга жойлашган 4 тоннаю 330 килограмм буғдой, ун, шакар бекитилган эди. Игор «Тошкент бозорларидан сотиб олдим», деб кўрсатма берган 18320 сўмлик маҳсулот давлат ҳисобига мусодара қилинди. Унинг ўзи эса шубҳасиз қонун олдида қилмишига яраша жавоб беради.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармасининг ходими.**


# "МУСТАҚИЛЛИК"

## ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.



Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

*Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.*

*Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.*

**Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.**

*Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин:*
*33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.*

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ · МАРКАЗИЙ БАНК · ЖАМҒАРМА БАНКИ · АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ · ЎЗБЕКСАВДО · ЎЗБЕКБИРЛАШУВ


*Спорт*

*Олимпиада уфқлари*

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

**· Тошкентда Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитасининг йиғилиши ўтказилди. Матбуот конференциясига айланган бу йиғилишда Марказий Осиё республикалари мутасадди-мутахассислари ҳам иштирок этишди.**

Йиғилишда асосан олимпиада ўйинларига тайёргарликнинг ўзига хос босқичларидан бўлиб қоладиган Марказий Осиё ўйинларини илк марта ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Тошкентга меҳмон бўлиб келган Қозоғистон Миллий олимпиада қўмитасининг президенти Аман Акпаев, Қирғизистон МОК президенти Эшим Хутманалиев, Тожикистон МОК бош котиби Ширижон Маматсафоев, Туркманистон МОК вице-президенти Нурали Отаев ва бошқалар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Ўзбекистон МОК президенти Собир Рўзиев мусобақага тайёргарлик масалалари хусусида сўзлади. Тошкентда ўтказиладиган Марказий Осиё ўйинлари шу йилнинг 1—8 сентябрь кунлари бўлади. 2 сентябрь куни анжуманнинг очилиш маросимига Халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Самаранчнинг ҳам келиши кутилмоқда. Мусобақалар олимпиада турлари ҳисобланган спортнинг 12 хили бўйича ташкил этилади. Спорт иншоотларини тайёрлаш, мингдан зиёд меҳмонларни қабул қилиш ва жойлаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда ўтган йили юртимизга меҳмон бўлган ХОК президенти таклифи билан бошланаётган хайрли тадбир Марказий Осиё республикалари спорт ҳаётида унутилмас воқеага айланиши кутиляпти.

*Халқаро теннис*

## КАРВОН МАНЗИЛГА ЕТДИ

**· Иккинчи марта ташкил этилган «Буюк Ипак йўли» — сателлит халқаро теннис баҳслари якунланди.**

Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида давом эттан мусобақалар мамлакат пойтахтидаги «Юнусобод» теннис саройида «мастерс» баҳслари билан ниҳоясига етказилди. Маълумки, таниқли теннисчимиз Олег Огородов дастлабки уч босқичда ғалаба қозониб, мухлисларни қувонтирган эди. Лекин якунловчи мусобақанинг яккама-якка олишувида унинг омади юришмади. Францияли Валентин Фриденга имкониятни бой бериб, финалга чиқолмай қолди. Аммо спортчимиз жуфтлик мусобақасида ўзини кўрсатди.

У австралиялик Стефан Ляйнер билан ҳамкорликни ўрнига қўйиб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди. Огородов жуфтлигининг голландиялик Мартин Белгравер билан исроиллик Тал Харелга қарши ўйинидан мухлислар мамнуният ҳосил қилдилар. Бу учрашувда 6:3, 4:6, 6:2 ҳисоблари қайд этилиб, ғалаба Огородов жуфтлигига насиб этди.

Бир неча кун давом эттан халқаро мусобақанинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, республика Спорт қўмитаси раиси С. Рўзиев иштирок этдилар.

*Футбол*

## ПЕШҚАДАМНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

**· Олий лига жамоалари ўртасида мамлакат чемпионатининг 11-тур ўйинлари ўтказилди.**

Қизиқарли ва муросасиз баҳсларга бой учрашув Андижонда бўлди. «Наврўз» футболчилари ўйин бошидан ҳужумкорликка зўр бериб мамлакат чемпионлари — пешқадам «Нефтчи» жамоасини таҳликага солдилар. Танаффусга чиқиш олдидан майдон эгаси Даврон Бобоев ҳисобни очди. Кейин 68-минутга қадар фарғоналиклар ҳисобни тенглаштиришга зўр беришди. Лекин чаққон ва абжир Анвар Жабборов ўзи қўриқлаётган дарвозани дахлсизлигини бир неча бор таъминлаб, мухлислар олқишига сазовор бўлди. Андижонлик Қаҳрамон Абдуқодиров меҳмонлар дарвозанинг нишонга олиб, ғалабани мустаҳкамлади. Бу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармай қолди. Шундай қилиб «Нефтчи» мавсумда илк бор мағлубиятга учради. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Суғдиёна» — «Динамо» — 2:0, «Политотдел» — «Темирйўлчи» — 4:0, «Трактор» — «Навбаҳор» — 1:1, «АСК — «Нурафшон» — 0:3, «Янгиер» — «Машъал» — 4:0, «Атласчи» — «Чирчиқ» — 1:1, «Пахтакор» — МХСК — 1:1.



*Бугунги кунда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш савдо ходимларининг асосий вазифаларидан биридир. Дўстлик туманидаги 21-озиқ-овқат дўкони ходимлари чўлқуварларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишаётир. Энг зарур деб ҳисобланган саккиз хил маҳсулот бу ерда ҳар доим топилади.*

*СУРАТДА: дўкон ходимларидан Ҳотам Жўраев, Рустам Хожиев ва Комил Пардаев.*

*Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.*

*Анъана*

## ЎТТИЗ ЁШЛИ БОҒЧА

**· Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 310-болалар боғчасининг ташкил топганига 30 йил тўлиши муносабати билан кеча бўлиб ўтди.**

Ўз ҳаётини болалар тарбиясидек муқаддас ишга бағишлаган тарбиячилардан Мастура Саримсоқова боғча ташкил этилган кундан то шу кунгача узлуксиз шу ерда ишлаб келади. Дилбархон Жўраева эса шу ерда тарбия топган. Ҳозир эса тарбиячи. Ҳа, бундан 30 йил бурун бу ерга тарбия олишга келган жажжи тарбияланувчилар орасидан олимлар, шифокор, муаллимлар, муҳандислар етишиб чиққани рост. Кеча охирида боғча болалари ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

**Назрулла ШОНИЁЗОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## САЛОМАТЛИК ДАСТУРИ

Ўзбекистонда аёллар репродуктив соғлиқни сақлаш дастури маслаҳат қўмитасининг Тошкентда ўтган биринчи мажлиси мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини сақлаш борасида янги давр бўлиб қолади. Қўмита жамоатчиликни таништиришга мўлжалланган янги дастурни кўриб чиқиш ва маслаҳатлашиб олиш учун йиғилди. Ушбу дастур Ўзбекистон аёллари фойдалана оладиган бехатар ва самарали замонавий контрацептив воситаларни йўлга қўйиш учун ишлаб чиқилган. Тез орада бундай воситалар республика аёллари учун мунтазам равишда дорихоналарга чиқарилади.

Дастур маслаҳат қўмитаси шу йилнинг баҳорида ташкил этилиб, у тиббиёт ва доришунослик соҳасининг етакчи мутахассисларидан ва жамоатчилик бошқа вакилларидан иборат. Қўмита раиси, Ўзбекистон Республика соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Б. Ёрқулов кенгаш чоғида истеъмолчилар контрасепциянинг самарали усуллари ҳақидаги қимматли ахборотга эга бўлишларини, шунингдек, ушбу дастур доришунослар ва шифокорларни махсус ўқитишни ҳам ўз ичига олганлигини таъкидлади. Лойиҳанинг яна бир энг муҳим қисми — аёлларни контрасепциянинг усуллари тўғрисида бохабар этишдир. Эндиликда бундай усуллар республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳам маъқулланди.

Тез орада қўл ушлашиб турган эркак ва аёл тасвири туширилган «Қизил олма» рамзини шифокорлар хоналарида, дорихоналарда кўриш мумкин бўлади. Бу рамз ишончли ва юксак сифатли тиббий хизмат кафолатини англатади. Янги лойиҳа республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва СОМАРК лойиҳаси томонидан биргаликда ишлаб чиқилган.

**Алишер РЎЗИЕВ.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президиуми, ЎзР ФА География бўлими жамоаси бўлим мудири, география фанлари номзоди Ш. А. Азимовга акаси

**Равшанбек Акромович АЗИМОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими Тўлқин Эшбекка отаси

**Усмон ЭШБЕКОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**Бош муҳаррир: Азим СУЮН**

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қўқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0238, 44126 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22.30

1 2 3 4 5 6.